

Irgash I. DAMINOV,
*Senior Lecturer of the International Islamic
 Academy of Uzbekistan, (PhD).*
A.Qadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.
E-mail: irgashdaminov@gmail.com

DOI: 10.47980/MOTURIDIY/2024-1/3

ИМОН МАСАЛАСИГА ОИД ТАРИХИЙ ИХТИЛОФЛАР ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ

ИСТОРИЧЕСКИЕ СПОРЫ ПО ВОПРОСУ «ВЕРЫ» И ИХ РЕШЕНИЕ

HISTORICAL DISPUTES ON THE ISSUE OF «FAITH» AND THEIR SOLUTIONS

КИРИШ

Эътиқодий масалалар, хусусан, калом илми доирасида қизгин муҳокама қилинадиган имон, зот ва сифат, амал, ажал, ризқ каби масалалар тарихдан алоҳида эътибор билан муҳокама қилинадиган мавзулар ҳисобланган. Чунки, тарихан мазҳаблараро ихтилофлар, алалоқибат, қонли тўқнашувларга айланиши асосан айни шу соҳа туфайли кузатилган. Диндаги илк тафриқаланиш имон мавзуси доирасида юз бериб, у такфир – мусулмонларни куфрда айблаш шаклида ривожланди.

Умуман, замонавий деструктив ҳаракатлар, экстремистик қарашлар қайсидир кўринишда ўрта аср оқимлари, айниқса, хорижийлик ва мўътазилийлик ғоялари таъсирида вужудга келган. Шунинг учун имон мавзусини атрофлича ўрганиб чиқиш, уни аҳли сунна вал жамоа талқинида баён қилиш ҳар қачонгидан муҳим ва долзарб аҳамият касб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Имон сўзининг луғавий маъноси борасида XII-XIII аср Мовароуннаҳр мутакаллимларидан Абу Муин Насафий (ваф. 508/1114), Абу Сано Маҳмуд ибн Зайд Ломиший (ваф. XII аср биринчи ярми), Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий (ваф. 552/1157), Жалолуддин Умар ибн Муҳаммад Хаббозий (ваф. 691/1291), Шамсуддин

Самарқандий (ваф. 705/1305), Абу Баракот Насафий (ваф. 710/1310), Хусомуддин Хусайн ибн Али Сиғноқий (ваф. 714/1314) каби олимлар баҳс юритганлар. Бироқ, Саффор Бухорий (ваф. 534/1139), Али ибн Усмон Ўший (ваф. 575/1179), Абу Бакр Косоний (ваф. 587/1191), Нуруддин Собуний (ваф. 580/1184), Абу Муҳаммад Рукнуддин Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Самарқандий (ваф. 701/1301)лар ўзларининг ақида илмига оид асарларида имон сўзининг луғавий маъносига тўхталмаганлар (Саффор Бухорий, 2011:149-151; Алоуддин Усмандий, 2011:160-164; Алоуддин Косоний, 2021:539-543).

Бундан маълум бўладики, олимларнинг айримлари ўзларининг ақида соҳасига бағишлаган асарларида имон сўзининг луғавий маъносига тўхталиш орқали, унинг истилоҳий маъноси билан боғлиқлик жиҳатини кўрсатиб беришга уринган бўлсалар, бошқа олимлар унинг фақат истилоҳий маъносини айтиш билан чекланишган.

МУҲОКАМА

Имон сўзининг истилоҳий таърифи борасида тарихда турли қарашлар илгари сурилган. Жумладан, Имом Молик (ваф. 179/795), Имом Шофеий (ваф. 204/820), Имом Авзоий (ваф. 157/774) ва муҳаддислардан Аҳмад ибн Ҳанбал (ваф. 241/855), Исҳоқ ибн Роҳавайх (ваф. 238/853), Суфён Саврий (ваф. 161/778), Довуд ибн Али Исфаҳоний (ваф. 270/884), мутакаллимлардан Ҳорис ибн Асад Мухосибий (ваф. 243/857), Абул Аббос Қалонисий (ваф. IX асрнинг боши), Ибн Али Сақфий (ваф. 328/940), Ибн Ҳазм Андалусий (ваф. 406/1064): «Имон – қалб маърифати, тил иқрори ва арконларга амал қилишдир», – деганлар (Абу Муин Насафий, 2011:1075).

Абу Баракот Насафий мазкур олимларнинг имонга берган таърифларидаги «қалб маърифати» ибораси ўрнига «қалб тасдиғи» атамасини қўллаган (Абул Баракот Насафий, 2011:373). Лекин, салафлар ўз даврида «қалб маърифати» билан «қалб тасдиғи»ни маънодош ўлароқ талқин қилганлар. Кейинги даврга келиб, бу икки ибора ва атама орасида фарқланиш юзага келган. Жумладан, жаҳмийларнинг имонга берган таърифида айни шу фарқни инобатга олиш керак бўлади. Бу аҳли сунна валжамоага мансуб олимлардан бир гуруҳининг қарашидир.

Аннотация. Ушбу мақолада имон масаласига оид тарихий ихтилофлар ва уларнинг ечимлари ёритилиб, диний эътиқод ва исломий илмлардаги турли ихтилофли масалалар ўрганилади. Мазкур, тадқиқотда муаллиф ислом таълимотларидаги ихтилофларнинг тарихий асосларини кўриб чиқади ва ушбу ихтилофларнинг илмий ва фикрий жиҳатдан турли ечимларини тақдим этади. Мақолада, шунингдек, замонавий исломий жамиятларда ушбу ихтилофларни қандай ҳал қилиш мумкинлиги ҳақида ҳам фикр юритилади.

Имон масаласига оид тарихий ихтилофлар, асосан, имоннинг таърифи, асослари ва унинг амаллар билан боғлиқлиги каби масалаларда келиб чиққан. Мисол учун, мўътазила мактаби имонни ақл ва амал билан боғлайди, бироқ аҳли сунна вал жамоа уламолари имонни қалбнинг тасдиғи ва тилнинг иқрори билан чегаралайди.

Калит сўзлар: Имон, тарихий ихтилофлар, ақидавий масалалар, мотуридийя, мўътазила, ашъария, иқрор, тасдиқ.

Abstract. This article highlights historical differences and ways to resolve them regarding the issue of faith, and also examines various controversial issues in religious beliefs and Islamic sciences. In this study, the author explores the historical basis of differences in Islamic sects and presents various scientific and rational solutions to these differences. The article also reflects on how these conflicts can be resolved in contemporary Islamic societies.

Historical controversies on the issue of faith arose primarily over issues such as the definition of faith, its basis, and its relationship with action. For example, the Mu'tazilite school connects faith with reason and action, but Sunni scholars limit faith to affirmation in the soul and confession with the tongue.

Keywords: faith, historical differences, creedal issues, Maturidiyya, Mu'tazilah, Ash'ariyya, confession, confirmation.

Аннотация. В данной статье освещаются исторические конфликты и пути их решения, касающиеся вопроса веры, а также изучаются различные спорные вопросы в религиозных верованиях и исламских науках. В этом исследовании автор исследует историческую основу различий в исламских течениях и представляет различные научные и интеллектуальные решения этих различий. В статье также размышляется о том, как эти конфликты могут быть разрешены в современных исламских обществах.

Исторические разногласия по вопросу о вере возникли главным образом в таких вопросах, как определение веры, ее основы и ее связь с действиями. Например, школа мутазилитов соединяет веру с разумом и действием, но ученые суннизма ограничивают веру утверждением в душе и признанием устно.

Ключевые слова: вера, исторические различия, вопросы доктрины, матуридизм, мутазила, ашария, исповедание, конфирмация.

Аҳли сунна вал жамоадан ажралиб чиққан илк оқимлардан хорижий ва мўътазилийлар: «Имон – қалб тасдиғи, тил иқрори ва арконларга амал қилишдир», дейишган. Хорижийлик ва мўътазилийлик оқими орасида имон таърифида биров фарқ мавжуд. Жумладан, хорижийлар барча тоатни – имон, маъсиятни – куфр ҳисоблашади. Балоғатга етган кишидан тоат ҳам, маъсият ҳам содир бўлса, у мўмин эмас, кофир бўлади, дейишади. Аксарият мўътазилийлар: «Имон нафл ва фарз ибодатларнинг мажмуасидир», дейишган. Уларнинг баъзилари: «имон фақат фарз ибодатларни ўз ичига қамраб олади», деб таъкидлашган (Алоуддин Усмандий, 2019:163).

Умуман олиб қараганда, хорижийлар гуноҳи кабира қилган кишини кофир, мўътазилийлар эса, уни «манзила байна-л-манзилатайн»да қолишини айтишган.

Турли доиралар имоннинг шартлари бўйича бир-бирини инкор қиладиган қарашларни

илгари сурганлар. Асли мужассимий бўлган Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Карром (806-869) номи билан боғлиқ карромийлик ақидасига кўра, имон – тасдиқсиз фақат иқрорнинг ўзи (Абу Муин Насафий, 2011:1076). Бунда қалб тасдиғи шарт қилинмайди. Улар «Ким «ла илаҳа иллаллоҳ», деса, жаннатга киради», деган ҳадиснинг зоҳирий маъносини далил қилиб келтирадилар.

Унга раддия билан чиққан ҳидоят байроғи (аламул худо), Абу Мансур Мотуридий Самарқандий (870-944) имон шarti ягона, яъни қалб билан тасдиқлашдан иборат эканини таъкидлаган. Унинг далили Яъқуб алайҳиссаломнинг ўғиллари хабари ҳақидаги оятга асосланади: «Рост гапирсак ҳам, (барибир) Сиз бизга ишонувчи эмассиз» («Юсуф»сураси, 17-оят). Бундан айтилган гапни тасдиқламаслик мақсад қилинган. Шунга кўра тил иқроридан қалб тасдиғи афзал ва бирламчи экани таъкидланган (Абу Муин Насафий, 2011:1077).

Абу Муин Насафийнинг таъкидлашича, Абу Мансур Мотуридий наздида имон фақат қалб билан тасдиқлашдан иборат. Аллоҳ таоло Моида сураси 6-ояти, Бақара сураси 183-оятида бандаларга намоз ўқиш ва рўза тутишни буюришдан аввал «имон келтирганлар», дея мурожаат қилган. Бу эса имон амаллардан алоҳида эканини англатади (Алоуддин Абу Бакр Косоний, 2021:540).

Муҳаммад ибн Идрис Шофеий (767-820) наздида эса, «Имон – тил иқрори, дил тасдиғи ва фарзларга амал»дир. Унга кўра, фарзларни бажариш имондан, яъни амал имон шартларидан ҳисобланади. Унинг далили «Юзларингизни Машриқ ва Мағриб томонларига буришингиз (ибодат қилишингизнинг ўзи тўла) яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобларга, пайғамбарларга имон келтирган...» (Бақара сураси, 177-) оятига асосланади (Абу Муин Насафий, 2011:1075).

Ҳанафий-мотуридий таълимотида амал имоннинг таркибий қисмига кирмайди. Шунинг учун қуйидаги ояти каримада имон келтирган бандаларни ҳали намоз ўқишларидан олдин «мўмин», деб номланмоқда: «(Эй, Муҳаммад), имон келтирган бандаларимга айтинг, намозни мукаммал адо этсинлар» (Иброҳим сураси, 31-оят). Бошқа оятда шундай дейилган: «Эй, имон келтирганлар! Намоз (ўқиш)га турар экансиз» (Моида сураси, 6-оят).

Юқоридаги қарашларнинг ҳулосаси шундаки, имоннинг дунёвий ва ухровий жиҳати бор:

- Дунёвий жиҳатга имон калимасини тил билан иқрор қилишнинг ўзи кифоя қилади.

- Ухровий жиҳатга кўра, унинг етти хил талқини бор. Шундан бештаси ботил таълимотларга оид бўлса, қолган иккитаси аҳли сунна вал-жамоага тегишлидир:

Биринчиси, хорижийларнинг таълимотига биноан «имон – қалб тасдиғи, тил иқрори ва рукнларга амал қилиш». Хорижийлик тарафдорлари мўмин гуноҳи кабирани содир қилиши билан исломдан чиқиб, кофирга айланади.

Бу ислом таълимотига мутлақо зид. Чунки саҳобалар, тобеинлар, салафи солиҳлар ва барча мусулмонлар «қалбида заррача ёки хардал¹ доница имони бор киши дўзахда абадий қолмайди», деб иттифоқ қилишган.

Яна улар Пайғамбаримизнинг шафоати гуноҳи кабира қилган мўминларга тегишли бўлади, дейишган. Зеро, ҳадисда «Шафоатим гуноҳи

кабира қилган (мўмин-мусулмон)ларга», дейилган. Бошқа ҳадисда эса, шундай дейилади: «Имондан зарра мисқолича қалбида бўлган киши дўзахда қолмайди». Абу Зарр Ғифорийдан нақл қилинган ривоятда: «Зино қилса, ўғирлик қилса ҳамми?», дейилганда «Ҳа»деб жавоб қайтарилган.

Бу шу нарсага далолат қиладики, гуноҳи кабирага қўл урган киши комил мўмин бўлмаса-да, белгиланган жазони олганидан кейин, албатта, дўзахдан чиқади.

Иккинчиси, мўътазилийлар имонга хорижийлар каби таъриф берган бўлишса-да, бироқ мўътазилийликда гуноҳи кабира қилган киши то тавба қилмагунча икки манзил орасида бўлади. Уларнинг нигоҳида дўзахнинг икки даражаси орасида яна бир даража бор. Бу имон билан куфрнинг орасида яна битта манзил бўлгани каби. Ундан на холис кофир ва на холис мўмин жой олади. Балки, у гуноҳи кабира қилган кишининг манзилдир.

Учинчиси, жаҳмийлар, хусусан, Жаҳм ибн Сафвон таълимотига кўра, киши мўмин бўлиши учун қалб маърифатининг ўзи кифоя қилади. Яъни имон маърифатдир. Уларнинг нигоҳида, киши мўмин бўлиши учун тил иқрори ва арконларига амал қилишга ҳеч қандай ҳожат йўқ.

Жаҳмийлар илгари сурган қараш тўғри бўлса, барча аҳли китоблар, шунингдек, Муҳаммад алайҳиссаломнинг пайғамбарлигини илми ва ақли билан эътироф этган бўлса-да, имонни қабул қилмаган – ҳокимиятни ҳидоятдан устун билган Византия императори Ҳиракл I (ваф. 641) ва Абу Толиб (549-619)² ҳам мўмин бўлиши керак бўлади. Бу эса хато.

Тўртинчиси, муржийлардир. Улар: «Имон фақат тасдиқдан иборат бўлиб, куфр билан қилинган тоат наф келтирмагани каби имон билан қилинган маъсият зарар қилмайди», дейишади.

Бешинчиси, карромийлик таълимотига кўра, имон фақат тил билан иқрор бўлишдир. Уларнинг имонга берган таърифига кўра, мунофиқлар ҳам

² Муҳаммад (с.а.в.)нинг амакиси ва ҳимоячиси, Абдул Мутталибнинг иккинчи ўғли, тўртинчи халифа Алининг отаси. Қурайш қабиласининг раҳнамоси. Қурайш улуғлари ўртасида Муҳаммад алайҳиссаломни доим ҳимоя қилган бўлса-да, исломга кирмаган – «Абдул Мутталиб динида» қолган. Ушбу муносабат билан «Тавба» сураси 112 (На пайғамбар ва на мўминлар мушриклар учун, гарчи улар қариндошлари бўлса ҳам – уларнинг дўзах аҳли эканлари маълум бўлгандан кейин – истиғфор (гуноҳларини кечирлигини) сўрашлари жоиз эмас) ва «Қасос» сураси 56-ояти (Сиз ўзингиз суйган кишиларни ҳидоят қила олмайсиз) нозил бўлган.

¹ Хартал – қалампир уруғи дони, зарра, ўлчов бирлиги. Бир хартал 1/25 гуруч дониға ёки 1/4200 дирҳамга тенг (0.000707 г.)

мўмин-мусулмон бўлиб қолади. Чунки, мунофиқлар тили билан имон келтирган, аммо қалбида тасдиқламаган бўлади.

Олтинчиси, Абу Ҳанифа, Имом Мотуридий, Абу Ҳасан Ашъарий ва жумҳур мутакаллимларнинг имонга берган таърифидирки, унга кўра, имон фақат қалб тасдиғидан иборат.

Бунда тил иқрори ҳукмларни жорий қилиш учун шарт. Амал эса комил имоннинг шартидир. Бироқ бу иккиси имоннинг таркибий қисми эмас. Бу қарашга кўра, имон яхлит нарсга бўлиб, у бирор нарсадан таркиб топмаган.

Еттинчиси, қолган уч мазҳаб имомлари ва жумҳур муҳаддислар наздида имоннинг таърифи шундай: «Имон – қалб тасдиғи, тил иқрори ва арконларга амал қилиш». Бу ва ундан олдинги қараш вакиллари аҳли сунна вал жамоа тоифаси дейилади. Улар орасидаги мазкур фарқ моҳиятан эмас, балки лафзийдир.

Умуман, аҳли сунна вал жамоадан бири «имон ҳеч нарсадан таркиб топмаган» деса, иккинчиси «имон уч нарсадан таркиб топган», дейди. Яъни ҳанафийлар ва жумҳур мутакаллимлар имон яхлит нарсга дейишса, уч мазҳаб имомлари ва жумҳур муҳаддислар имон уч нарсадан таркиб топган, дейишади. Жумладан, Имом Бухорий ўзининг «Саҳиҳи Бухорий» асарида имон уч қисмдан иборат эканига далилларни жамлаган.

Уч мазҳаб имомлари ва муҳаддисларнинг имонга берган таърифи зоҳирий жиҳатдан мўътазилий ва хорижийларнинг таърифига ўхшайди. Аммо, бу фақат лафзий ўхшашликдир.

Моҳият жиҳатидан шофеийларнинг қараши мўътазилий ва хорижийларнинг қарашидан тубдан фарқ қилади. Чунки, мўътазилий ва хорижийлар наздида имоннинг мазкур уч унсуридан бири топилмаган, киши мўмин ҳисобланмайди. Аниқроқ қилиб айтилса, уларнинг таълимотига кўра, амалларни тарк қилган киши абадий дўзахда қолади.

Шунингдек, ҳанафий ва жумҳур мутакаллимларнинг имонга берган таърифи зоҳирий жиҳатдан муржийларнинг талқинига ўхшайди. Аммо, бунда ҳам ўхшашлик фақат лафзий, холос. Чунки, икки қараш вакиллари сўзлари бир-биридан моҳият жиҳатидан фарқ қилади. Ҳанафийлар ва жумҳур мутакаллимлар амални зарурий, деб билишиб, уни тарк қилган кишини фосиқ ҳисоблайди. Муржийлар эса: «Мўминга амаллар таъсир қилмайди», – деб эътиқод қилишади.

Имонга берилган таърифнинг зоҳирий ўхшашлигидан келиб чиқиб, уч мазҳаб имомлари ва жумҳур муҳаддисларни мўътазилийларга ҳам, хорижийларга ҳам ўхшатиш мумкин эмас.

Худди шунингдек, ҳанафий ва жумҳур мутакаллимларни, уларнинг имонга берган таърифидан келиб чиқиб, муржийларга ўхшатиш ҳам хато бўлади.

Умуман, ҳанафийлар имонни қалбий тасдиқдан иборат бўлиб, яхлит, яъни таркиб топмаганини тушунтиришади. Ҳанафий уламоларнинг далили қуйидаги оятдан олинган: «Албатта, имон келтирган ва яхши амалларни қилганларга Фирдавс жаннати манзил бўлгандир» (Қаҳф сураси, 107-оят).

Қуръони каримнинг баъзи ўринларида имонга солих амал атф (боғловчи) ҳарфи билан боғланган. Араб тили қоидасига кўра, атф муғояратни, яъни отиф билан маътуфнинг бир-биридан бошқа-бошқа нарсга, турфа эканини тақозо қилади. Шу тариқа амал билан имон бошқа-бошқа экани исботланади.

«Эркаг-у аёл, ким мўмин ҳолида яхши амал қилса, Биз уни яхши ҳаёт кечиртирамиз» (Наҳл сураси, 97-оят).

Шу каби оятларда амалларнинг қабул бўлиши учун имон шарт қилинган. Демак, имон шарт, амал эса маршрут (шартга боғлиқ қилинган) нарсадир. Араб тили қоидасига кўра, шарт билан маршрут бошқа-бошқа нарсга ҳисобланади.

Солих амаллар – намоз, рўза, закот, ҳаж ва бошқалар имоннинг таркибий қисми ҳисобланмайди. Яъни киши фарзларни бажармаслигининг ўзи билан диндан чиқиб қолмайди.

Яхши амаллар имоннинг жилваси бўлиб, улар орқали у зийнатланади ва равнақ топади. Натижада, банданинг имони комил бўлади. Бунга Қуръони каримдан қуйидаги оят далил бўлади: «Имон келтириб, яхши амаллар қилган зотлар учун хушнудлик ва гўзал оқибат – жаннат бордир» (Раъд сураси, 29-оят).

Имоми Аъзам Абу Ҳанифа «Васият» номли китобида айтади: «Шунингдек, амал имондан алоҳида, имон ҳам амалдан алоҳидадир. Бунинг далили шуки, баъзан мўминдан амаллар вақтинчалик соқит бўлиб туради. Лекин ундан имон соқит бўлади, деб бўлмайди. (Масалан) ҳайзли аёлдан намоз соқит бўлади. Лекин ундан имон соқит бўлди ёки унга имонни тарк қилиш буюрилган, дейиш мумкин эмас» (Мулла Алиюл Қорий, 1995:89).

Мотуридийлик эътиқодига кўра, амаллар имоннинг бир бўлаги, ёки рукни эмас. Шу сабабли

хар қандай фарзни (инкор этмаган ҳолда) тарк этган киши диндан чиққан – кофир бўлиб қолмайди. Бунинг далилларида бири:

Умар ибн Хаттобдан ривоят қилинади: «Набий алайҳиссалом даврларида Абдуллоҳ исмли киши бўлиб, унинг лақаби «химор»³ эди. У Расулуллоҳ алайҳиссаломни қулдирар эди. У Зот уни ичгани учун дарра урдирган эдилар. Бир куни у яна шу ишни қилди ва унга дарра уришни амр қилдилар. Қавмдан бир киши: «Аллоҳим, уни лаънатлагин, у қандок ҳам кўп ичади», – деди. Шунда Набий алайҳиссалом: «Уни лаънатламамлар, Аллоҳга қасамки, у Аллоҳ ва унинг Расулини яхши кўради» (Имом Бухорий, 1961:3380), дедилар. Кўриниб турганидек, ман қилинган амални содир қилгани билан Абдуллоҳни кофир санадилар, бошқаларни лаънатлашдан қайтардилар. Аксинча, унинг имонига ишора қилдилар. Шундан амал имондан ташқари экани маълум бўлади.

Моликий, шофеий ва ҳанбалий мазҳабларида солиҳ амаллар имоннинг таркибий қисми экани эътироф этилса-да, бироқ уларни тарк этиш имондан чиқишга эмас, балки имоннинг камолоти йўқолишига олиб келиши таъкидланади.

Айрим ҳадиси шарифларда амал имоннинг бир қисми эканини англатувчи маънолар мавжуд. Жумладан:

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ алайҳиссалом хутба қилганларида: «Омонатсиз инсонда имон, аҳдсиз кишида дин йўқ», – дедилар» (Абу Бакр Байҳақий, 2003:163).

Абу Умомадан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳ учун яхши кўриб, Аллоҳ учун ғазаб қилса ва Аллоҳ учун бериб, Аллоҳ учун бермаса, у имонини камол топтирибди», – деганлар» (Имом Абу Довуд, 2009).

Ибн Масъуддан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Омонатсиз кишида имон йўқ, аҳдсиз кишида дин йўқ. Муҳаммаднинг нафси изнида бўлган Зотга қасамки, банданинг дини тили тўғриланмагунча тўғри бўлмайди. Унинг тили қалби тўғриланмагунча тўғри бўлмайди. Қўшниси бавоикларида омонда бўлмаган киши жаннатга кирмайди», – дедилар. Шунда: «Эй Аллоҳнинг Расули! Бавоик нима?» – дедилар. У зот: «Унинг зулм-ситами», – дедилар...» (Табароний ривояти).

³ «Хамр» узум ёки шунга ўхшаш мевалардан тайёрланган маст қилувчи ичимлик. У ақлни тўғри фикрлашдан тўсгани учун шундай номланган. Чунки «хамр»нинг маъноси – ақлни тўсувчи, «химор» аёллар бош кийими, рўмол, беркитувчи, бошни тўсувчи.

Мазкур ҳадисларнинг барчасида комил имон ҳақида сўз бормокда, яъни ушбу ҳадислар «омонатсиз кишида комил имон бўлмайди» деган маънони англатади.

Бошқа бир ҳадисда масжидга қўшни бўлиб яшайдиган инсоннинг намози фақат масжидда адо бўлиши таъкидланган. Ундан ушбу одамнинг уйида ўқиган намози қабул бўлмайди, деган маъно англашилмайди. Балки масжидга қўшни яшаган инсон масжидда ўқимай, уйида ўқиса, намози комил бўлмаслиги тушунилади.

Худди шунингдек, мазкур ҳадисларни «омонатсиз кишида комил имон бўлмайди», деб талқин қилиш лозим. Акс ҳолда, қўшнисига азият етказган ёки омонатга хиёнат қилган киши кофир бўлиши керак бўлиб қолади. Бундай бўлиши эса «чин қалбдан ла илаҳа иллаллоҳ, деб айтган киши жаннатга киради», деган мазмундаги диннинг асосини ташкил қилувчи ҳадиси шарифлар моҳиятига зиддир.

Имонга тегишли ҳадислар орасида, зоҳирий жиҳатдан муржийларнинг қарашини қўллаб қувватлайдиган, яъни «имонли инсонга гуноҳ таъсир қилмайди», деган маънони зоҳиран ифодаловчи ҳадислар ҳам мавжуд. Жумладан, Расулуллоҳ алайҳиссалом Муоз ибн Жабалга шундай деганлар: «Ким «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад – Унинг расули», деб чин қалбдан шаҳодат келтирса, Аллоҳ таоло уни дўзахга ҳаром қилади».

Убода ибн Сомитдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Ким «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, У яққаю ягона, шериги йўқдир. Муҳаммад унинг бандаси ва расулидир. Исо Аллоҳнинг бандаси, расули ва бандасининг ўғли, Марямга ташлаган калимаси ва руҳидир. Жаннат ва дўзах ҳақ», деб шаҳодат келтирса, амали қандай бўлмасин, уни Аллоҳ таоло жаннатга киритади», – дедилар» (Имом Муслим, нашр йили кўрсатилмаган:42).

Имом Муслимдан қилинган бошқа ривоятда шундай дейилган: «Расулуллоҳ алайҳиссалом: «Ким «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, Муҳаммад Аллоҳнинг расули», деб гувоҳлик берса, Аллоҳ унга дўзахни ҳаром қилади», – дедилар».

Мазкур ҳадисларнинг маъносини ифодаловчи кўплаб ҳадислар, зоҳиран мўмин кишига амалнинг зарурати йўқ, деган маънони англатади. Лекин, унинг муқобилидаги бошқа ҳадисларни ўрганиб чиқиб, «чин қалбдан имон келтирган инсон қилган

гуноҳларига яраша жазо олганидан кейин, албатта жаннатга киради, у ҳеч қачон дўзахда абадий қолиб кетмайди», деган хулосага келиши мумкин.

Имон мавзуси остида ўрганиладиган ва тадқиқ этиладиган масалалардан бири «имон келтириш ақл асосида вожибми ёки нақл биланми?!», деган мавзудир. Нуриддин Собунийнинг «ал-Бидоя» асарида шундай келтирилади: «Аллоҳ таолога имон келтириш фарз, куфр келтириш эса ҳаромдир. Олимлар имоннинг ақл ёки нақл асосида вожиб бўлиши борасида ихтилоф қилганлар. Хусусан, ислом даъвати етиб бормаган ҳудудларда вафот этган киши⁴нинг тақдири борасида ҳам олимлар орасида турли қарашлар мавжуд. Шунингдек, цивилизация етиб бормаган ҳудудларда ўсиб, ислом етиб бормай, вафот этган кишилар узрлими ёки узрсизми? Фитратда яшаб ўтган кишилар борасидаги ихтилоф ҳам айти шундайдир» (Нуриддин Собуний, 2014:346).

Ботиний, рофизий, мушаббиха ва хорижийлар: «Ақл билан ҳеч нарса вожиб бўлмайди. Имоннинг яхшилиги ва куфрнинг ёмонлигини ақл воситасида идрок этиш имконсиз. Бинобарин, улар шариат орқали билинади», – дейди (Абу Баракот Насафий, 2011:369).

Муътазилийлар наздида, «ақл имон келтиришни, неъмат берувчига шукр қилишни тақозо этади. Ақлнинг ўзи билан ҳукмлар собит бўлади» (Нуриддин Собуний, 2014:150).

Ашъарийлар «ақл билан бирор нарса вожиб ва ҳаром бўлмаслиги, бироқ унинг воситасида айрим нарсаларнинг хайрли ёки ёмон экани маълум бўлиши»ни таъкидлашади. Имом Ашъарий наздида, мукаллафга юклатиладиган барча ҳукмлар нақл орқали олинади.

Ашъарийлар ва бир гуруҳ ҳанбалийлар: «Бу тоифа кишилар (нақл етиб бормаган) узрлидирки, уларнинг далил келтиришлари шарт эмас», – дейди ҳамда қарашини «То пайғамбар юбормагунимизча (бирор кимсани) азобловчи бўлмадик» ояти (Қуръони карим. (Исро сураси, 15-оят.) 3) билан исботлайди (Абу Баракот, 2011:366).

Абу Муин Насафий наздида, имон Аллоҳ таоло ҳидояти билан банданинг ишидир. Уни тил билан иқрор қилиб, дил билан тасдиқлаш бандадан, тавфиқ ва ҳидоят эса Аллоҳдандир.

⁴ Абу Муин Насафий наздида, ақл соҳиби бўла туриб илоҳий ваҳий сабоғи етмаган кимса узрли бўлмайди. Ҳар бир инсон оламнинг яратувчиси борлигига «асҳоби Каҳф» каби далил излаши вожиб. Муътазилийлар айтади: «Аллоҳга ақл билан далил келтириш вожиб эмас, лекин ақл инсонга Аллоҳни танитиши шарт».

ХУЛОСА

Умуман, ҳозирги кунда имон масаласи мураккаблашиб, ақидапараст тоифаларнинг қуролларига айланиб қолмоқда. Чунки радикаллашган тоифалар ўз мақсадларини амалга оширишда амални имоннинг таркибий қисмига айлантириб, ислом аҳкомларига билиб-билмай амал қилмаган мўмин-мусулмонларнинг қонини ўзларига ҳалоллаш учун «такфир» масаласини ўртага олиб чиқмоқда.

Бу эса Пайғамбаримиз олиб келган илоҳий мўътадил таълимот асосларига буткул зиддир.

Таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

- Имон каломдаги тарихан энг ихтилофли масалалардан бўлиб, аҳли сунна олимлари билан бир қаторда уларнинг рақиблари ҳам мазкур мавзу доирасида баҳс юритганлар.

- Қўплаб тўғри ва ботил қарашлар зоҳиран ўхшаш бўлса-да, мазмунан тубдан фарқ қилади. Масалан, Имом Молик, Имом Шофеий, Аҳмад ибн Ҳанбал ва уларга эргашган алломалар билан хорижий ва мўътазилий олимларнинг имонга берган таърифи шаклан ўхшаш: «Имон – қалб тасдиқи, тил иқрори ва амал қилиш». Аммо, бу орқали хорижийлар гуноҳи кабирани содир қилувчи – кофир, мўътазилийлар икки манзил ўртасида, дейди. Шофеий уламолар эса катта гуноҳ содир қилганни исломдан чиқармайди. Улар гуноҳни имоннинг камолотига боғлашади. Яъни, гуноҳ орқали имон эмас, унинг камолоти йўқолади.

- Ҳанафийлар, хусусан, Абу Мансур Мотуридийнинг таърифи зоҳирий жиҳатдан муржийлар талқинига ўхшайди. Яъни, имон тасдиқдир. Айти шу масала туфайли айрим тоифалар ҳанафийларни муржийликда айблашади. Лекин, ҳанафийлар амални зарурий ҳисоблаб, уни тарқ қилган фосиқ бўлишини таъкидлайди. Муржийлар эътиқодига кўра эса «мўминга амаллар таъсир қилмайди».

- Мотуридийлик эътиқоди, ҳақиқат қиличи Абу Муин Насафий қарашларига кўра, амал имон шартларидан ҳисобланмайди. Шунга асосан улкан гуноҳларни содир этган кимса имонда қолади – кофир ҳисобланмайди. Улар тақлиф қилган ғояга биноан тил иқрори – шариат ҳукмларни жорий қилиш, амал – комил имоннинг шартли ҳисобланади.

Демак, имон масаласини чуқур англаш, ҳанафийлик-мотуридийлик қарашларини таҳлилий

идрок қилиш, керак бўлса, ҳимоя қилиш кўплаб эътиқодий тушунмовчиликларга барҳам бериш, ихтилофларнинг олдини олишга ёрдам беради. Қолаверса, юртимизда азалдан қарор топган диний ва динлараро бағрикенглик ғояларининг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Абу Бакр Байҳақий. (2003). Ас-Сунан ал-кубро. Ж. 4. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
2. Абу Баракот Насафий. (2011). Шарҳ ал-Умда фи ақида аҳл ас-сунна // Абдуллоҳ Муҳаммад ва Абдуллоҳ Исмоил таҳқиқи. Қоҳира: ал-Мактаба ал-азҳария лит-турат.
3. Абу Муин Насафий. (2011). Табсира ал-адилла фи усул ад-дин // Муҳаммад Анвар Ҳомид Исо таҳқиқи. Қоҳира: ал-Мактабат ал-азҳария лит-турат.
4. Абу Сано Маҳмуд ибн Зайд Ломиший. (1995). Китоб ат-Тамҳид ли-қавоид ат-тавҳид // Абдулмажид Туркий таҳқиқи. Байрут: Дор ал-ғарб ал-исломий.
5. Али ибн Усмон Ўший. (2011). Бад ал-амолий. Тошкент: ЎзХИА нашриёт-матбаа бирлашмаси.
6. Алоуддин Абу Бакр Косоний. (2021). Ал-Муътамад мин ал-муътақад // Энес Дурмуш, Муҳаммад ва Усман Дўған таҳқиқи. Истанбул: Date Published.
7. Алоуддин Муҳаммад ибн Абдулҳамид Усмандий. Лубоб ал-калом // Муҳаммад Саид Ўзарварлий таҳқиқи. Истанбул: Туркия диёнат вақфи.
8. Имом Абу Довуд. (2009). Ас-Сунан ли Аби Довуд. Ж. 5. Байрут: Дорул қибла.
9. Имом Бухорий. (1961). Саҳиҳ ал-Бухорий. Ж. 1. Ҳиндистон: Қадимий кутубхона.
10. Имом Муслим. (нашр йили кўрсатилмаган). Саҳиҳу Муслим. Ж. 1. Байрут: Дор ал-жийл.
11. Мулла Али ал-Қорий. (1995). Шарҳу фикҳ ал-акбар / Али Муҳаммад таҳқиқи. Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия.
12. Нуриддин Собунӣ. (1969). Китоб ал-бидоя мин ал-кифоя фил-ҳидоя фи усул ад-дин // Фатхуллоҳ Хулайф таҳқиқи. Миср: Дорул маориф.
13. Нуриддин Собунӣ. (2014). Ал-Кифоя фил-ҳидоя // Муҳаммад Орутший. Истанбул: Дор ибн Ҳазм.
14. Саффор Бухорий. (2011). Талхис ал-адилла ли-қавоид ат-тавҳид // Анжелика Бродерсен таҳқиқи. Байрут: Муассасатур Райён.
15. Убайдуллоҳ ибн Муҳаммад Самарқандий. Китоб аъзим фи усул ад-дин. Истанбул: Миллет Женел кутубхонаси. Ин. 1158.
2. Abu Barakst Nasafi. (2011). Sharh al-Umda fi aqida ahl as-sunna // ed. Abdullah Muhammad wa Abdulloh Ismail. Cairo: al-Maktaba al-azhariya lit-turath.
3. Abul Muin Nasafi. (2011). Tabsira al-adilla fi usul ad-din // ed. Muhammad Anwar Hamid Isa. Cairo: al-Maktaba al-azhariya lit-turath.
4. Abuth Thana Mahmud ibn Zayd Lamishi. (1995). Kitab at-Tamhid li-qawaid at-tawhid // ed. Abdulmajid Turki. Beirut: Dar al-gharb al-islami.
5. Ali ibn Uthman Ushi. (2011). Bad' al-amali. Tashkent: International Islamic Academy of Uzbekistan.
6. Alauddin Abu Bakr Kasani. (2021). Al-Mu'tamad min al-mu'taqad // ed. Enes Durmush, Muhammad and Uthman Doghan. Istanbul.
7. Alauddin Muhammad ibn Abdulhamid Usmandi. Lubab al-kalam // ed. Muhammad Said Ozarvarli. Istanbul: Turkiye Diyanet foundation.
8. Imam Abu Dawud. (2009). As-Sunan li Abi Dawud. Vol.5. Beirut: Darul-qibla.
9. Imam Bukhari. (1961). Sahih al-Bukhari. Vol. 1. India.
10. Imam Muslim. (year not indicated). Sahih Muslim. Vol. 1. Beirut: Dar al-Jiyl.
11. Mulla Ali al-Qari. (1995). Sharh fiqh al-akbar / ed. Ali Muhammad. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.
12. Nuruddin Sabuni. (1969). Kitab al-bidaya min al-kifaya fil-hidaya fi usul ad-din // ed. Fathullah Khulayf. Egypt: Darul-maarif.
13. Nuruddin Sabuni. (2014). Al-Kifaya fil-hidaya // ed. Muhammad Aruchi. Istanbul.
14. Saffar Bukhari. (2011). Talkhis al-adilla li-qawaid at-tawhid // ed. Angelika Brodersen. Beirut: Muassasat ar-Rayyan.
15. Ubaydullah ibn Muhammad Samarqandi. Kitab a'zim fi usul ad-din. Istanbul: Millet Genel Library. No. 1158.

REFERENCES

1. Abu Bakr Bayhaqi. (2003). As-Sunan al-kubra. Vol. 4. Beirut: Dar al-kutub al-ilmiya.

